

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14015971>

ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Кенджаев Якуб Юсупович

Осиё Технологиялари Университети

“Ижтимоий фанлар ва рақамли технология” кафедраси ўқитувчиси.

kendjayevyakub@gmail.com

Аннотация: ВКП(б) МҚ ва СССР йилларида саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчирилиши натижасида электроэнергияга бўлган талабни оширди, бу эса янгитдан катта кўламда ишлаб чиқариши қувватига эга бўлган замонавий электростанциялар қурилишини, Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда барпо этилишини ҳаётий заруратга айлантириб қўйди.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, электроэнергия, электростанция, Ўзбекистон Компартияси, пленуми, гидроэлектростанция, металлургия, фабрика, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети, иссиқлик электростанцияси.

Annotation: As a result of the relocation of industrial enterprises to Uzbekistan during the war years, the demand for electricity increased, which made the construction of new, large-scale modern power plants in Central Asia, including Uzbekistan, a vital necessity.

Key words: industrial enterprises, electric power, power plant, Uzbekistan Communist Party, plenum, hydroelectric plant, metallurgy, factory, Soviet of People's Commissars of the Uzbek SSR, thermal power plan.

Электр энергияси, ёқилғи ва ҳом-ашё базаларини ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор берилди. 1942 йил 18 ноябрда ВКП(б) МҚ ва СССР Халқ Комиссарлар Совети ҳамда Давлат Мудофаа Қўмитаси Ўзбекистон ССРда бешта гидроэлектростанция ва Бекобод металлургия заводини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди¹.

Яъни Солор, Қуйи Бўзсув (станциянинг биринчи навбати)ни, иккинчи Оққовоқ (станциясининг иккинчи навбати) ва Фарҳод гидростанцияларини

¹ Ўз ПАА 58-фонд, 19-рўйхат, 86 иш, 62-варак.

қуриш тўғрисида қарор чиқарди. Чунки буларсиз республика саноатини тўлиқ қуватда ишлатишнинг иложи йўқ эди. Бу объектларнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, мамлакатда биринчи навбатда қурилиши лозим бўлган саноат қурилишлари қаторига киритилди. Республикани электрлаштириш учун бошланган умумхалқ қурилишида республиканинг барча меҳнаткашлари фаоллик ҳамда ватанпарварлик наъмуналарини кўрсатиб фидокорона меҳнат қилдилар.

1942 йил ноябргача Чирчиқ, Тошкент энергетика тизимларининг қишки қувватини 160-170 минг киловаттга етказиш, 4-5 ой ичида Тошкент ёнида 60-70 минг киловатт электр энергия бера оладиган иссиқлик электростанциясини қуриш, бу станцияларни маҳаллий кўмир асосида ишлатиш тадбирлари илгари сурилди¹. Республикада металл-кўмир ва нефть қазиб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Бу эҳтиёжлар учун бир миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу дастурни амалий бажаришга доир бир қанча тадбирлар белгиланди ва Солар, 1-Куйи Бўзсув (биринчи навбатини), 2-Оққовоқ (иккинчи навбатини) ва Фарҳод гидроэлектростанцияларини қуриш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Гидроэнергетика ресурсларини ишга солиш юзасидан фаол куч-ғайрат сарфланди. Масалан, 1942 йил бошларида Оқтепа ва Оққовоқдаги 1-сон ва 3-сон гидроэлектростанциялар қурилиши қайта тикланди².

Ўзбекистон КП Марказий комитетининг 1943 йил февраль ойида бўлиб ўтган VII пленуми бўлажак қурилишнинг конкрет программасини белгилаб берди: ҳар бир участкадаги ишларни бажариш муддатлари тасдиқланди, контрол қилиб туриш тартиби, ишчи механизмлар, қурилиш материаллари, транспорт воситалари билан таъминлаш йўллари белгилаб берилди.

Кўпгина гидроэлектростанцияларнинг муддатидан олдин ишга туширилиши натижасида республикада электр энергия ишлаб чиқариш 1943 йилда 1 миллиард 40,8 миллион киловаттга етди³.

Уруш туфайли гидроэлектростанцияларни автоматлаштириш учун зарур аппарат ва машина-ускуналар ишлаб чиқариш тўхтатилиб қўйилган ва саноатимиз ҳали бундай аппаратларни ишлаб чиқара бошламаган пайтда авж олдиртириб юборилди.

Тошкент энергосистемасининг корхоналари урушдан илгари чиқарилган автоматлаштириш аппаратларининг барча турларини ўзлаштирибгина қолмай, шу билан бирга ишжараёнида ўз кучлари билан кўпгина янги турдаги аппарат ва машина-ускуналарини ихтиро қилдилар ва ишлаб чиқардилар.

¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). – Андижон: Andijon nashriyoti, 2004. – Б. 466.

² Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). – Б. 466.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврдан ҳозирги кунларгача. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.464-465.

Энергосистемани автоматлаштириш ва телемеханизациялаш ишларида 200 дан ортиқ инженер-техник ва юқори малакали ишчилар қатнашдилар. Тошкент энергосистемаси собиқ Совет Иттифоқида бутунлай автоматлаштирилган ва телемеханизациялаштирилган биринчи системага айланганди. Унинг иш тажрибалари СССРнинг бошқа энергосистемаларини автоматлаштирилган ва телемеханизациялашга намуна бўлган эди¹.

Қуйи Бўзсув ГЭСини ишга туширишда ўзбек энергетиклари коллективи ўсиб етишди. Лойиҳаловчилар, қурувчилар ва энергетикларнинг гидротехник иншоатларни ва гидроэлектростанцияларни қуриш процессида бир қанча янги техникавий, ишлаб чиқариш ва илмий масаларни ҳал қилишга тўғри келди.

Лойқа муз оқиб келиши, баҳорги тошқинлар ва селга қарши кураш, гидротехник иншоатларнинг зилзилага чидамлилиқ масалари, шунингдек бир йўла энергетика ва иригация масласида гидроэнергетика бойликларидан комплекс фойдаланиш Ўрта Осиё шароитида энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу масаларнинг ҳаммаси гидротехника ва гидроэнергетика қурилиши жараёнида республика ва собиқ Иттифоқ эксплуатация ва қурилиш ташкилотларининг илмий текшириш ва лойиҳалаш институтлари ходимларининг биргаликда қилган хизматлари билан муваффақиятли суратда ҳал этилди².

Лойиҳаловчилар, қурувчилар ва энергетиклар кўпгина амалий масаларни ҳал этиш, ички бойликлардан, арзон маҳаллий материаллардан максимал даражада фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш воситалари жорий қилиш, содда ва пишиқ конструкцияларни ишлаб чиқаришда зийраклик, ижодий ихтирочилиқ намуналарини кўрсатдилар.

Гидроэлектростанциялар қуришнинг тезкор методлари жорий қилинди. Тупроқни портлатиб итқитиш, тупроқни портлатиб юмшатиш, сув оқимини тўсиш учун керакли йўғналишда портлатиш ва оқиб келган тупроқни чўктириб тўғон ясаш, соғ тупроқдан шиббалаб дамбалар ясаш прогрессив усуллари кенг фойдаланилди.

Қуйибўзсув ва Дарғом сувини тўсишда йўналтирма портлашдан фойдаланилди. Бу усул дарё ўзанини сув оқиб турган пайтида металл, тош, ёғоч, ва бошқа материаллар ишлатмай соғ тупроқнинг ўзи билан тўсишга имкон берди.

¹ Жеребцов М.И., Балгаев И.К. Ўзбекистонни электрлаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1959. –Б. 24.

² Жеребцов М.И., Балгаев И.К. Ўзбекистонни электрлаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1959. –Б. 25.

Халқ қурилишида қўлланилган жадал усул билан, 1944 йил 23 февралда Солор гидроэлектрстанцияси қуриб битказилиб, 19 мартда ишга туширилди. ГЭСнинг ишга туширилиши натижасида, Тошкент шаҳар саноати мингларча киловатт электр қувватига эга бўлди. Солор ГЭСи қурилишида ишлаган ишчиларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этган эди. Шунга кўра 1944 йилнинг 19 мартда ГЭСнинг ишга туширилиши мунсабати билан ўтгазилган тантанада унга “8-Март” номи берилган эди¹.

1944 йил 5 июнда 8-Март номли Солор гидроэлектрстанциясини қурилишида актив қатнашганликлари учун қурилишнинг энг актив иштирокчиларидан 612 киши Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрликлари билан мукофотландилар.

Бундан ташқари 8-нчи Март номли Солор ГЭС қурилишида актив қатнашганликлари учун Тошкент шаҳрининг Қуйбишев, Ленин, Фрунзе, Октябрь, Сталин, Киров, Марказий ва Москва районлари, шунингдек Тошкент областининг Оржоникидзе ва Қорасув районлари ЎзССР Олий Советининг фахрий ёрликлари билан мукофатланди².

1945 йил январда Тошкентга яқин Бўзсув каналида янги кучли электр станцияси ишга туширилди. 1-чи сон Қуйи Бўзсув ГЭСини қуришда Тошкент вилоятининг колхозчилари фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. 1 миллион 800 минг кубометрдан кўпроқ тупроқ қазиб чиқарилди, 14 минг кубометр бетон қўйилди, 600 тоннадан ортиқроқ металл қурилмалари ўрнатилди³. Бу электр станцияси уруш йилларида қурилиши охирига етказилган олти йирик электро станциянинг биридир.

Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш иккинчи жаҳон уруши йилларида 2,5 баравар ошди. Гидроэлектростанциялар қурилиши кенг қулоч ёйди. Икки йил яъни 1943-1944 йиллари ичида Тошкент областида бешта: Оқтепа, Оққовоқ, Салор ва 1-қуйи Бўзсув электро станциялари ишга туширилди. Аҳолининг фидокорона меҳнати самараси ўлароқ 1-Оққовоқ ГЭСининг қурилиши ниҳоятда қисқа муддатда – 15 ой ичида битирлди⁴. Бу ГЭСларнинг республика энергетика тизимига қўшилиши электр энергияси ишлаб чиқаришнинг бирмунча ўсишига имкон берди. 1942-1943 йилларда электр энергияси ишлаб 4 баравар кўпайди⁵.

¹ Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3256-иш, 57-варақ.

² “Суворовчи”, 1944 йил 6 июнь №34(117); Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тўртинчи китоб. –Тошкент: Агадэмнашр, 2020. –Б. 306.

³ “Ватан шарафи учун”, 1945 йил 11 январь №3 (280); Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. –Тошкент: Агадэмнашр, 2017. –Б.203.

⁴ Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. –Тошкент: Фан, 1974. –Б.101.

⁵ Узбекистан в годы Великой Отечественной Войны. – Ташкет, 1979. – С. 59.

Уруш йилларида ҳақиқатда электроэнергетика тез суръатлар билан ривожланди, у билан биргаликда саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг энергия билан қуролланиш даражаси ҳам ўсди. Агар илгари кўпроқ гидростанциялар қурилган бўлса уруш йилларининг охирига келиб сув ресурсларидан комплекс фойдаланишни давом эттириш билан бирга табиий газда ишлайдиган теплостанцияларни қуришга ҳам эътибор қаратила бошлади¹.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми “Фарходстрой” қурилишининг 1943 йил кузги режа топшириқларини бажаришга ёрдам кўрсатиш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, қурилиш суръатларини ошириш масаласини қўйди, барча ҳукумат идораларига гидроэлектростанция қурилишига ҳар томонлама ёрдам бериш, уни ишчи кучлари ва зарур материаллар билан таъминлашни топширди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

1. Ўз ПАА 58-фонд, 19-рўйхат, 86 иш, 62-варақ.
2. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). – Андижон: Andijon nashriyoti, 2004. – Б. 466.
3. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). – Б. 466.
4. Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврдан ҳозирги кунларгача. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.464-465.
5. Жеребцов М.И., Балгаев И.К. Ўзбекистонни электрлаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1959. – Б. 24.
6. Жеребцов М.И., Балгаев И.К. Ўзбекистонни электрлаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1959. – Б. 25.
7. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3256-иш, 57-варақ.
8. “Суворовчи”, 1944 йил 6 июнь №34(117); Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тўртинчи китоб. – Тошкент: Arademnashr, 2020. – Б. 306.
9. “Ватан шарафи учун”, 1945 йил 11 январь №3 (280).; Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: 10. Arademnashr, 2017. – Б.203.
11. Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.101.
12. Узбекистан в годы Великой Отечественной Войны. – Ташкет, 1979. – С. 59.
13. ЎзР ПАА. 58-фонд, 20-рўйхат, 6 3-иш, 88-варақ.

¹ ЎзР ПАА. 58-фонд, 20-рўйхат, 6 3-иш, 88-варақ.